

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

Болтабоева Гулноза Иброхимовна

Мавзу: Процедура ва функциялар мавзуси бўйича интеллектуал таълим ресурсларини ишлаб чиқиш (Дастурлаш асослари фани бўйича).

Ихтисослик 5140900 – Касб таълими “Информатика ва ахборот технологиялари” бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

«Иш кўриб чиқилди, ҳимояга қўйилди»

«Информатика ва ахборот
технологиялари» кафедраси мудири т.ф.н,

доцент. Б.Эргашев
“ ” 2013 й.

Илмий раҳбар

т.ф.н,
доцент. О.Жакбаров

Наманган – 2013

**Мавзу: Процедура ва функциялар мавзуси бўйича интеллектуал таълим
ресурсларини ишлаб чиқиш (Дастурлаш асослари фани бўйича)**

Мундарижа

Кириш	3
I. Асосий қисм	6
1.1 Масалани ечиш учун бошланғич маълумотлар ва уларнинг таҳлили	6
1.2 Масаланинг қўйилиши ва унинг амалий аҳамияти	6
1.3 Дастурлаш фанининг ўқув дастури ва унинг таҳлили	7
1.3.1 Фаннинг мақсади ва вазифаси	7
1.3.2 Фаннинг квалификацион характеристикаси	8
1.3.3 Мавзуларнинг намунавий режаси.	8
1.4 Интеллектуал таълим ресурсини яратишда фойдаланиладиган дастурий воситалар таҳлили	9
1.5 Интеллектуал таълим ресурсини яратиш технологияси	18
1.6 Яратилган таълим ресурсидан фойдаланиш йўриқномаси.....	20
1.7 Ўқув жараёнида таълим ресурсидан фойдаланиш самарадорлиги.....	21
II. Методик қисм.....	21
2.1 Ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш (педагогик технология) нинг ўзига хос хусусиятлари	21
2.2 Педагогик технологиялар таҳлили.....	22
2.3 Мавзу бўйича ўтказиладиган амалий машғулот режаси ва уни ўтказиш тартиби.....	24
2.4 “Процедура ва функциялар ” мавзусининг аниқлаштирилган ўқув мақсадлари ва модул бирликлари	26
2.5 Мавзунинг маъруза матни.....	26
2.6 “Процедура ва функциялар ” мавзуси учун дарс сценарийси.....	32
2.7 Мавзуга оид савол ва амалий топшириқлар.....	34
2.8 Мавзу бўйича тест саволлари	34
2.9 Мавзу бўйича баҳолаш мезони.....	36
2.10 Мустақил иш учун савол ва топшириқлар	37
2.11 Маъруза матнини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар рўйхати	37
III. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	37
Хулоса.....	37
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	38
Илова.....	Ошибка! Закладка не определена.

Кириш

*«Янги дарсликларни,
замонавий педагогик ва ахборот
технологияларини ўз вақтида
ишлаб чиқиш ва жорий этишни
таъминлашни алоҳида назорат
остиға олиш зарур».*

И. А. Каримов

Бугунги кунда таррақиёт жуда тез ривожламокда ва жуда тез ўзгармокда . Деярли хар дақиқада сайёрамизнинг турли бурчакларида ўзгаришлар , янгиланишлар ва кутулмаган воқеа – ходисалар содир бўлмокда . Ҳар бир кунимиз тезкор ахборот оқими остида кечмокда . Ахборот ва малумотларнинг бундай ривожланиши ва тезланишининг муҳим сабабларидан бири информацион ва комуникацион технологияларининг жадал таррақиётини тақазо этади .

Ахборот оқими бизни уйда , ишхона ват аътилда таъқиб этамокда . Инсон ахборот таъсиридан ҳоли фаолият юрита олмайди . Ҳаётни англаш , уни ўрганиш ахборотларни йиғиш ва ўзлаштириш орқали кечади . Ҳозирги кунда илмий-техник жараёндаги ўзгаришлар натижасида янгиликнинг маънавий эскириши тезлашади . Маълумот жуда тез эскирмокда . Дарҳақиқат , янги ахборот технологияларининг яратилиши билан инсониятнинг бири-бири билан мулоқот қилиши ҳам тезлашади ва унинг ёрдамида дунёнинг турли нуқталари билан гаплашиш имкониятига эгамиз .

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бошлаб, кириб келаётган хар қайси янги йилга ном бериш, шундан келиб чиққан ҳолда, алоҳида Давлат дастури қабул қилиш ва белгилаб олинган вазифаларни изчил амалга ошириш ўзига ҳос анъанага айланган. Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Юртбошимиз 2013 йилни мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилишни таклиф этдилар. Республикаимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида ўртага ташланган ушбу таклиф ҳалқимиз томонидан зўр мамнуният билан қўллаб-қувватланди.

2013 йилнинг мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши барчамизга катта қувонч ва кўтаринки кайфият бағишлади. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам хусусий сектор фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор таклифларни билдирган эдилар.

Республикаимизда замонавий билимлар сари кенг йўл очиш , компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига жорий этиш , халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, “Интернет”га қриб боришини кенгайтириш, юқори малакали дастурчи-мутахассислар тайёрлаш даражасини оширишга жиддий эътабор берилмокда . Бунинг далили Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури , Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни , ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти 30 май 2002 йилдаги фармони ва 6 июн 2003 йилдаги Вазирлар Маҳкамасининг 200 сонли қарорларидир . Бу эса ушбу масаланинг давлат миқёсида муҳимлигини англатади . Ваҳоланки барча соҳаларда сезиларли ўзгаришлар рўй бермокда Ахборот технологиялари ишлаб чиқаришда , иқтисодда , медицина , таълимда ва кундалик ҳаётда жуда қўл келмокда . Эндиликда, ахборот технологияларининг имкониятлари кундан-кунга ошиши табиий ҳолга айланди . Усиз иқболни тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолди . Ахборот технологиялари ёрдамида беморга узоқ масофадан ёрдам бериш , автомобилни бошқариш , дунёдаги янгиликлардан хабардор бўлиш мумкинлиги оддий ҳолга айланди . Айниқса , ўқишда бу технологиялар аксини топмокда . Ўқишда компьютер,

Интернет, электрон дарсликлар, тармоқлар, виртуал кутубхоналардан фойдаланиш билимларни ўрганишни ва текширишда қатор қулайликларни яратмоқда .

Дарҳақиқат, янги ахборот технологияларининг ажойиб ютуқларидан бири бу компьютер технологияларидир . Ҳозирги кунда равнақ топиш компьютер техникаси билан боғлиқ бўлиб қолди . Дастлаб ҳисоб амалларини тезроқ бажариш учун яратилган компьютерларнинг имкониятлари кундан-кунга ошиб бораётганлигининг гувоҳимиз. Шунинг учун турли соҳа эгалари, ўқитувчи . ўқувчи ва талабалар ўз фаолиятида компьютерда тез ва аниқ ишлай олиши зарур . Компютер инсонни машаққатли, зерикарли меҳнатдан ҳаос этибгина қолмай, балки меҳнат унумдорлиги ва сифатини салмоқли оширмоқда. Мултимедиа дарсликлар ва ўқитиш программалари яратилиши, Интернет, электрон почта дистанцион ўқишнинг сифатли ўзгаришига олиб келди ва тамомила янги босқични бошлаб берди. Дистанцион ўқишда виртуал кутубхоналар, спутник орқали видеоконференциялар, дарслар, Интернет ёрдамида мулоқот ва ахборот олиш имкониятлари пайдо бўлди .

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, ўқитиш методларига турли усулларни қўллаш, ўрта мактабларда, касб-хунар коллежларида, олийгоҳларда турли интерфаол усуллардан фойдаланиш, ҳамда электрон услубий таъминотларни яратиш ва уларни ўқув жараёнига қўллаш ўз самарасини кўрсатмоқда.

Ўқувчиларга маълум мақсадлар асосида назарий билим бериш ҳамда уларда тегишли амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришда, шубҳасиз, назарий, амалий ва тажриба дарс машғулотлари ўтказишнинг ўз ўрни бор. Бизнингча амалий машғулотлар ўтказишда таълим олувчини мустақил фикрлаш ва изланишига ундовчи-йўналтирувчи усуллар ҳамда мултимедиаларни қўллаш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу усулдан фойдаланилганда ўқувчилар мултимедиа намоишларини кўриш ва ишлаш имконига эга бўладилар. Фойдаланиладиган электрон услубий таъминотнинг моҳияти шундан иборатки, бутун ўқув жараёнида ўқувчилар эркин фикрлашга ва мустақил ишлашга йўналтирилади. Ўқитувчи ўқувчиларга мавзунинг топшириқларини бергандан кейин, талаба ўз билимларини янада мустақамлаши учун зарурий адабиёт сифатида фойдаланиши мумкин бўлади. Шунингдек, тажриба ўқитувчиси ҳам электрон услубий таъминот асосида олдиндан тайёрланган топшириқларни таълим олувчиларнинг мустақил холда ишлашларини дарс жараёни давомида кузатади ва натижага кўра улар ишини баҳолай олади.

Келтириб ўтилган фикрлар асосида айтиш мумкинки, касб-хунар коллежларида ҳамда олийгоҳларда ўтиладиган Дастурлаш фанидан амалий машғулотларни ўтказиш учун интеллектуал таълим ресурсларини ишлаб чиқиш талабаларга катта имкониятларни очиб беради. Республикамиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, амалий ва тажриба машғулотларини ўтказиш учун электрон интеллектуал таълим ресурсларини яратиш масаласи ҳозирча паст даражада десак ҳато бўлмайди. Айниқса, информатика йўналишидаги ўқитиладиган фанлардан электрон кулланмалар ҳамда услубий таъминотлар яратишга бўлган муҳтожлик жуда ҳам сезилиб туради. Чунки, ўқувчиларни компьютер саводхонлигини янада ўстириш ва бўлғуси касб эгаларини етук мутахассис бўлиб етиштиришлари учун катта аҳамият касб этади. Таълим олаётган талаба дарс машғулоти давомида яратилган электрон услубий таъминотдан фойдаланиб маъруза дарсларини ўзлаштириш билан бирга амалий ишлаш учун кўрсатилган намунавий амалий машғулотни ўрганиб ўзи учун берилган топшириқни шу электрон кўрсатма асосида бажара олсин. Бу ерда ўқитувчининг ҳеч қандай ёрдамига муҳтожлик сезилмасин. Яъни талаба ўқитувчисиз электрон услубий кўрсатма асосида фанни тўлиқ ўзлаштириш имконига эга бўлсин. Шунингдек, электрон услубий таъминот ўзида шу фанга тегишли бўлган барча маълумотларни мужассамлаштиради.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Процедура ва функциялар мавзуси бўйича интеллектуал таълим ресурсларини ишлаб чиқиш (Дастурлаш асослари фани бўйича) мавзуси бўйича тайёрланган малакавий битирув иши асосан қуйидаги қисмлардан ташкил топган. Булар, кириш, асосий қисм, методик қисм, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар бўлимларидан иборат.

Малакавий битирув ишининг кириш қисмида таълим сифатини ошириш ва ислоҳ қилиш, мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари ҳамда ишнинг тузилишидан иборат.

Таълим сифатини ошириш ва ислоҳ қилиш, таълим мазмунининг ишлаб чиқилган назариясининг муҳим қоидалар ва ҳозирги кунда таълим тизимида янги босқич бўлган касб-хунар таълимини зарур меъёрий хужжатлар, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш борасида бир қатор амалга оширилган ишлар тўғрисида фикр юритилади. Мавзунинг долзарблиги, унинг бугунги кун нуқтаи назаридан талқинқилиниб, унинг ҳақиқатда актуал масала эканлиги кўрсатиб берилади. Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари батафсил ёритиб берилади. Ҳамда битирув малакавий ишини асосий вазифаларидан бири Дастурлаш асослари фани бўйича “Процедура ва функциялар” мавзуси бўйича интеллектуал таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва бу электрон кулланмани ўқув жараёнига қўллаб, мақсад қилиб олинган натижага максимал даражада эришишдан иборат эканлиги баён қилинади.

Асосий қисм эса, ўн битта бўлимдан иборат бўлиб, унда фаннинг асосий мақсадидан бошлаб, масаланинг қўйилиши ва амалий аҳамияти, масалани ечиш учун фойдаланиладиган дастурий воситалар таҳлили, масалани ечиш учун компьютернинг техник таъминотига талаблар, электрон услубий таъминот яратиш технологияси, фойдаланиш йўриқномаси, самарадорлиги, ўқув хоналарида атроф-муҳит муҳофазаси масалалари ва амалий машғулотни бажариш жараёнида меҳнат муҳофазаси масалалари келтириб ўтилади.

Масаланинг методик қисмида педагогик таълимни ахборотлаштиришни ташкил этиш, мавзу бўйича электрон услубий таъминот ишлаб чиқиш, “процедура ва функциялар” мавзуси бўйича назарий маълумотлар, мавзу бўйича ўтказиладиган амалий машғулот режаси ва уни ўтказиш тартиби, “Дастурлаш асослари фани бўйича “Процедура ва функциялар” мавзусининг аниқлаштирилган ўқув мақсадлари ва модул бирликлари, “процедура ва функциялар” мавзуси учун дарс сценарийси, мавзуга оид савол ва амалий топшириқлар, мавзу бўйича тест саволлари, мавзуга оид интернет материаллари, тарқатма материаллар, мавзу бўйича баҳолаш мезони ҳамда маъруза матнини яратишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтириб ўтилади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлимида ўқув хоналарида тажриба машғулотларини ўтиш жараёнида атроф-муҳит муҳофазаси масалалари қараб ўтилади. Шунингдек, умумий таҳлиллари келтириб ўтилади.

Хулоса ва фойдаланилган адабиётлар бўлимларида эса, битирув малакавий ишини бажариш бўйича умумий хулосалар, таклифлар ва ишни бажариш жараёнида фойдаланилган адабиётлар ҳамда тавсия этиладиган қўшимча адабиётлар келтириб ўтилади.

Малакавий битирув ишининг изоҳ бўлимида яратилган интеллектуал таълим ресурси дастурининг матни келтириб ўтилади.

I. Асосий қисм

1.1 Масалани ечиш учун бошланғич маълумотлар ва уларнинг таҳлили

Дастурлаш асослари фани 3521900-Информатика ва ахборот технологиялари йўналишининг 3521910 Мультимедиа тизимлари ва компьютер графикаси бўйича кичик мутахассис тайёрлашда ўқитиладиган ҳамда мутахассислик фан блокида мавжуд бўлган фанлардан бири ҳисобланиб, у фанлар блокида 100 соатлик ҳажмга эга ва 70 соат дарс аудитория дарс машғулотларига ҳамда 30 соат мустақил таълим соатларини ўтказиш учун режалаштирилган.

Фаннинг асосий мақсади сифатида ўқувчиларга Паскаль дастурлаш тилининг барча имкониятларини ўргатиш, уларни бу тилда амалий масалаларни мустақил ечишга ўргатишни келтириб ўтишимиз мумкин. Шунингдек, талабаларга Паскаль программалаш тилини имкониятлари, вазифалари ҳақида маълумотлар бериш, талабаларни Паскаль муҳитида ишлаш кўникмаларини яратиш, Паскаль программалаш тилида илова ёзиш воситалари билан таништириш, ўқувчиларни Паскаль программалаш тилида ишлаб чиқариш, илм-техника, иқтисод масалаларини мустақил бажаришга тайёрлаш фаннинг асосий вазифалари сифатида келтирилади.

Мазкур фанни ўқиб бўлинганидан сўнг, ўқувчилар қуйидаги билимларга эга бўлишлари зарур талаб этилади:

- Паскаль тилининг асосий концепция ва механизмлари билиш;
- Паскаль тилининг тавсифи ва унинг дастурлаш тизимини тушуниш;
- Паскаль тилининг барча имкониятларини билиш;
- Паскаль тилининг интеграллашган ишлаб чиқиш муҳити билан ишлаш кўникмасига эга бўлиш
- Масалалар ечиш босқичларини, асосий усул ва воситаларини билиш;
- Паскаль тилида иловаларни ишлаб чиқиш;
- Паскаль тилининг барча компоненталари ва уларнинг саҳифалари, вазифаларини билиш;
- Паскаль тилда босқичма-босқич илм-техника, фан, иқтисод соҳалардаги масалаларни еча олиш;

Паскаль тилини илова яратиш муҳитида ишлашни билишади.

Ўз навбатида Дастурлаш асослари фанини ўқитишда бошқа фанлар билан боғлиқлиги ҳамда шу фанларни яхши ўзлаштирган бўлишлари талаб этилади. Бу фанларга «Системага хизмат кўрсатиш», «Информатика», «Дастурлаш технологияси» каби фанларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Фанни ўқитишда янги педагогик технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хар бир талабани билимини мустаҳкамлаш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ошириш учун курсни ўқитиш мобайнида замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш, асосан ўқитиш махсус компьютер синфларида, ҳисоблаш техникасига асосланган ҳолда олиб борилиши олинадиган билимларнинг мустаҳкамлигига жуда ҳам яхши таъсир кўрсатади.

1.2 Масаланинг қўйилиши ва унинг амалий аҳамияти

Бизга касб ҳунар коллежларининг 3521900-Информатика ва ахборот технологиялари йўналишининг 3521910 Мультимедиа тизимлари ва компьютер графикаси бўйича кичик мутахассис тайёрлашда ўқитиладиган ҳамда мутахассислик фан блокида ўқитиладиган Дастурлаш асослари фани бўйича “Процедура ва функциялар” мавзуси бўйича интеллектуал таълим ресурсларини ишлаб чиқиш мавзунинг асосий масаласи сифатида

куйилади. Масалани ечиш жараёни учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш талаб қилинади:

- Масалани ечиш учун бошланғич маълумотлар ва уларнинг таҳлили
- Интеллектуал таълим ресурсини яратишда фойдаланиладиган дастурий воситаларни таҳлил қилиш
- Интеллектуал таълим ресурсини яратиш технологиясини ишлаб чиқиш
- Яратилган таълим ресурсидан фойдаланиш йўриқномасини тайёрлаш
- Ўқув жараёнида таълим ресурсидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилиш ва асослаш
- Мавзу бўйича ўқитиш методикасининг умумий масалаларини очиб бериш
- Педагогик технологияларни турли методларини таҳлил қилиш ва мавзуга мослаштириш мумкин бўлган методларни ажратиб олиш
- Мавзу бўйича дарс ўтишнинг ташкилий шакллари танлаш ва асослаш
- Ўқитиш технологияларининг мавзуга мос услубларини танлаш, таҳлил қилиш
- Мавзунинг ўқитишда фойдаланиладиган дидактик материаллар ва ахборот технологияларини яратиш
- Назарий дарс (маъруза) ўтиш методикасини ишлаб чиқиш
- Лойиҳаланаётган дарс мавзуси ва ўқув модуллари ишлаб чиқиш
- Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини шакллантириш
- Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар ажратиш ва келтириш
- Дарснинг замонавий (интерфаол) моделини ишлаб чиқиш
- Мавзунинг маъруза матнини яратиш
- Ўқувчиларга мустақил иш учун савол ва топшириқлар ишлаб чиқиш
- Маъруза матнини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини шакллантириш
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича зарурий маълумотлар ва тавсияларни келтириб ўтиш
- Битирув малакавий ишини бажариш натижасида олинган натижалар бўйича хулоса ва таклифларни келтириш
- Муаммони ечишда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтириб ўтиш талаб қилинади.

Келтириб ўтилган фикрлардан ҳам маълумки, касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган талабалар, қолаверса шу йўналишда педагогик фаолият олиб боровчи барча ўқитувчилар учун мутахассислик фанлар блокада ўқитиладиган Дастурлаш асослари фани бўйича “Процедура ва функциялар” мавзуси бўйича интеллектуал таълим ресурсларини ишлаб чиқиш талабаларни билим олишларида амалий ёрдам бериши назарда тутилади. Мавзуда келтириб ўтилган масалани теранроқ очиб бериш ҳамда келгусида шу фан бўйича билимларини янада мукамалроқ қилмоқчи бўлган талабаларга энг ажойиб ва оммабоп бўлган ўрганиш учун мўлжалланган электрон интеллектуал таълим ресурсларини яратиш талаб қилинади. Шунингдек, замонавий дарс машғулотларини ўтказиш бўйича чуқур билимларга эга бўлиш учун фан негизидаги билимларни янада очиб бериш ва уни ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш талаб қилинади

1.3 Дастурлаш фанининг ўқув дастури ва унинг таҳлили

1.3.1 Фаннинг мақсади ва вазифаси

“ Дастурлаш ” дастури алгоритм тузилиши , дастурлар ва маълумотлар жараёнини лойиҳалаш масалаларини ўз ичига олади. Дастур ўқувчилари дастурлаш технологияси компьютерларда дастурларни ишлаш этаплари, масалаларга математик ёндашиш, алгоритм схемаларини тузиш ,уларни ишлаб чиқиш, хусусиятларини ва алгоритмларнинг тизимли ва график тузилишлари билан таништиради. Фанни ўрганиш

давомида алгоримларнинг график ҳолатдаги кўриниши, уларни ишлаб чиқиш технологияси, тизими, таркибланган дастурлаш усуллари ва технологияларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Дастур стандарт дастурлаш, маълумотлар базаларини дастурлаш, “Web – дастурлаш” фанларини ўқитиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фанни ўрганиш давомида квалитацион характеристикасига асосан ўқувчиларда фан бўйича билим ва кўникмалар шаклланиб боради ва касбга йўналтиришда, етук мутахассис бўлиб етишишларига ёрдам беради.

1.3.2 Фаннинг квалитацион характеристикаси.

Ўқувчилар фанни ўқиб тугатгандан сўнг қуйидаги **билимларга** эга бўлишлари зарур:

- алгоритм тушунчаси ва унинг хусусиятлари;
- алгоритмни ёзиш усуллари (сўз орқали, блок-схемлар, дастурлар);
- чизикли алгоритм тушунчаси;
- тармоқланичи алгоритм тушунчаси;
- тўрта вариантдаги тармоқланиш тизимини;
- такрорланувчи (цикл) алгоритм тушунчаси;
- циклларни ташкил қилиш усуллари;
- функция ва амалларни бажариш тушунчасини;
- дастурларни ишлаб чиқиш усуллари;
- хар хил дастурлаш тилларини ва уларнинг ишлатиш соҳаларини;
- ишлатиш соҳаларининг характеристикасини билиш.

Ўқувчилар фанни ўқиб тугатгандан сўнг қуйидаги **кўникмаларга** эга бўлишлари зарур:

- Кўйилган масалага умумий ёндошиши;
- чизикли алгоритмларни тузишни;
- хар хил турдаги тармоқланувчи алгоритмларни тузишни;
- такрорланувчи тизимдаги алгоритмларни тузишни;
- такрорланувчи алгоритмларда шартлардан фойдаланишни
- алгоритмларни «юқоридан пастга» ва «пастдан юқорига» тузишни;
- ёрдамчи алгоритмларни тузиш ва улар билан ишлашни;
- ички дастурлар билан ишлаш усуллари;
- блок-схемлар тузишни;

аниқ масалаларни ечишда алгоритмларни қўллаш.

1.3.3 Мавзуларнинг намунавий режаси.


“Дастурлаш”фани бўйича тузилган дастурга кафедралар томонидан аниқ кўрсатмалар асосида 15%гача ўзгартириш киритишлари мумкин ва ўқув муассасасининг ўқув – услубий кенгашларда кўриб чиқилиши тавсия этилади

№	Мавзулар номи	Аудиториядаги ўқув юклама,соатларда						Мустақил ишлар
		Жами	Назарий	Амалий	Лаборатория ишлари	Семинарлар	Курс ишлари	
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	Алгоритм тушунчаси. Асосий алгоритмлаш тушунчаси	6	4	2				


2.	Чизиқли алгоритмлар	6	2	4				
3.	Тармоқланиш (шартли ўтиш)	10	4	6				
4.	Такрорланувчи алгоритмлар	14	4	10				
5.	Функциялар ва амалларни бажариш	8	2	6				
6.	Массивлар ҳақида тушунча	6	4	2				
7.	Кўпхадлар	10	4	6				
8.	Граф назарияси	18	8	6				
9.	Дастурларни ишлаш усулари	8	2	6				
10.	Дастурлаш тиллари ҳақида	4	2	2				
11.	Раскал тили ҳақида тушунча	12	6	6				
12.	Шартли оператор тизими	8	4	4				
13.	Цикл операторлари	10	4	6				
14.	Процедура ва функциялар	4	2	2				
15.	Мураккаб маълумотлар тури	16	6	10				
16.	Файллар устида амаллар	10	6	4				
17.	Модуллارни ташкил қилиш ва ишлатиш	10	4	6				
	Жами:	160	64	96				

1.4 Интеллектуал таълим ресурсини яратишда фойдаланиладиган дастурий воситалар таҳлили

Macromedia Flash MX дастурида ҳаракатланувчи матнларни яратиш учун аввало бирор бир матнни киритиш лозим бўлади (масалан: «Информатика ва АТ» кафедраси):




Киритилган матннинг хусусиятлари унинг қуйи қисмида жойлашган Properties бўлимидан билиб олиш мумкин:




Бу ерда матнни ҳажми, ранги, узунлиги, баланлиги, шифт тури ва ҳ.к.лар берилган.

Матнни ҳаракатлантириш учун Қуйидаги амални бажарамиз:

1. Киритилган матнни Timeline (вақт диаграммаси) даги бошланғич кадрдан нусха олиб, яъни сичқончанинг ўнг томонини босиб, Copy frames ни танлаймиз ва ҳаракатланувчи матннинг охирига кадрга сичқончанинг ўнг томонини босиб, Paste frames ни танлаш орқали қўйилади.
2. Охири кадрни қўйиб бўлгандан сўнг, матнни бирор-бир жойга жойлаш лозим.
3. Юқоридаги амалларни бажариб бўлгандан кейин, ҳамма кадрни белгилаймиз ва Create Motion Tween ни танлаймиз.




4. Танланган сўнг, шу кадрларда бошланғич кадрдан охирига кадрга йўналтирилган «йўналиш белгиси» (стрелка) пайдо бўлади. Пайдо бўлган бўлса, у ҳолда “Enter” ёки “Ctrl” + “Enter” тугмачаларини босиш орқали қилинган ҳаракатланувчи матнни кўриш мумкин.



Матнларни рангни, ўлчамини ва шаклини ўзгартириш


Агарда матн бошланғич кадрдан охирига кадрга рангини ўзгартириш учун юқоридаги амаллар кетма-кетлигини бажариб бўлганингиздан сўнг, охирига кадрга келиб сичқончанинг чап тугмачасини босилади. Босилган сўнг матнга келиб, сичқончани яна чап томони босилади ва дастурнинг қуйи қисмида қуйидаги хусусиятлар ойнаси намоён бўлади:



Бу ердан color-бўлимини танлаш орқали ранглар берилади. Color бўлимида қуйидаги бандлар мавжуд:


- None-ранг бериш лозим эмас
- Brightness-рангнинг оч ва тўқ ранги
- Tint- ихтиёрий ранг ва унинг оч ва тўқ ранги бериш
- Alpha-оқ рангда бериш
- Advanced-рангларни фоиз ҳисобида бериш

Агарда матнни кичик кўринишдан катта кўринишда ҳаракатлантириш учун қуроллар панелидаги Free Transform Tool дан фойдаланилади. Аввал матнни бош кадрина берилади ва охирига кадр берилиб бўлгандан сўнг, матнни танлаб ўлчами берилади ва Ctrl+Enter тугмачаси босилади.




Харакатланувчи шакллар яратиш

Macromedia Flash MX дастурида ҳаракатланувчи шаклларни яратиш учун аввало бирор бир шакл чизиб олиш лозим бўлади:




Кирилган матннинг хусусиятлари унинг қуйи қисмида жойлашган Properties бўлимидан билиб олиш мумкин:




Бу ерда матнни ҳажми, ранги, узунлиги, баланликлари берилган.

Шакл ҳаракатлантириш учун қуйидаги амални бажарамиз:

- Кирилган шаклни Timeline (вақт диаграммаси) даги бошланғич кадрдан нусха олиб, яъни сичқончанинг ўнг томонини босиб, Copy frames ни танлаймиз ва ҳаракатланувчи шаклнинг охирига кадрга сичқончанинг ўнг томонини босиб, Paste frames ни танлаш орқали қўйилади.
- Охирига кадрни қўйиб бўлгандан сўнг, шаклни бирор-бир жойга жойлаш лозим.
- Юқоридаг амалларни бажариб бўлгандан кейин, ҳамма кадрни белгилаймиз ва Create Motion Tween ни танлаймиз.




8. Танланган сўнг, шу кадрларда бошланғич кадрдан охирига кадрга йўналтирилган «йўналиш белгиси» (стрелка) пайдо бўлади. Пайдо бўлган бўлса, у ҳолда “Enter” ёки “Ctrl” + “Enter” тугмачаларини босиш орқали қилинган ҳаракатланувчи шаклни кўриш мумкин.



Улар устида турли ҳаракатлар яратиш


Агарда матн бошланғич кадрдан охирига кадрга рангини ўзгартириш учун юқоридаги амаллар кетма-кетлигини бажариб бўлганингиздан сўнг, охирига кадрга келиб сичқончанинг чап тугмачасини босилади. Босилган сўнг шаклга келиб, сичқончани яна чап томони босилади ва дастурнинг куйи қисмида қуйидаги хусусиятлар ойнаси намоён бўлади:




Бу ердан color-бўлимини танлаш орқали ранглар берилади. Color бўлимида қуйидаги бандлар мавжуд:

- None-ранг бериш лозим эмас
- Brightness-рангнинг оч ва тўқ ранги
- Tint- ихтиёрий ранг ва унинг оч ва тўқ ранги бериш
- Alpha-оқ рангда бериш
- Advanced-рангларни фоиз ҳисобида бериш


Агарда шаклни кичик кўринишдан катта кўринишда ҳаракатлантириш учун куруллар панелидаги Free Transform Tool дан фойдаланилади. Аввал шаклни бош кадрини берилади ва охирига кадр берилиб бўлгандан сўнг, шаклни танлаб ўлчами берилади ва Ctrl+Enter тугмачаси босилади.




Шаклда бошқа шаклга айлантириш учун бошлангич кадрни танлаймиз ва экраннинг қуйи қисмидан Shape ни танлаймиз.



Танлаб бўлгандан сўнг кейинги ихтиёрий вақт диаграммасига келиб F6 ни босамиз:



Сўнгги вақт диаграммасига бошқа шаклни чизиб Ctrl+B тугмачасини босамиз ва олдинги шаклни ўчириб ташлаймиз.




Натижада тўртбурчак шаклидан айланага ўтувчи шакл пайдо бўлади.

Web Page Maker дастури

Web Page Maker дастур и Web дастурларни яратиш учун мўлжалланган дастурий воситалардан бири бўлиб, уни ўрнатиш учун Web Page Maker дастурини ўрнатиладиган махсус дастурини ишга туширамыз ва дастурий таъминотни ўрнатамыз. Дастур компьютерга ўрнатилганидан сўнг экранда ва Пуск тугмасида унинг ёрлиғи пайдо бўлади.


Бу ёрликни кўриниши  шаклда берилади. Дастурни ишга тушириш учун шу ёрлик устида сичқонча тугмасини икки марта босамиз. Экранда дастурнинг қуйидаги кўриниши пайдо бўлади.



Ушбу ойнанинг юқори қисмда титул ойнаси, сўнгра бош меню буйруқлари, инструментлар панели ҳамда асосий ишчи ойна жойлашган. Экраннинг ўнг қисмида эса, яратилаётган сайтнинг файллари тўплами келтириб ўтилади.


Янги сайт яратиш учун инструментлар панелидан “создать” ёки файл-создать буйруғини танланади.

Шундан сўнг сайт яратиш жараёни бошланади. Сайтни яратишда саҳифанинг ишчи ойнасини сошлаш учун ишчи ойнада сичқончани ўнг тугмасини босилади ва ҳосил бўлган менбдан “параметры” буйруғини танланади. Экранда қуйидаги ойна ҳосил бўлади:




Бу ойна орқали ишчи ойна ҳоатини ўзгартириш мумкин, унда ойна заминини, киритиладиган матн рангини, гипершорат кўринишини, юқори ва қуйи колонтитуллари ўрнатиш, фонга расм ўрнатиш, овозларни ўрнатиш каби функцияларни бажариш имкониятлари мавжуд.


Страница меню буйруғини танласак, экранда қуйидаги ойна ҳосил бўлади:



Бу ойна ёрдамида сайтга янги саҳифа қўшиш, мавжуд саҳифадан яна битта ҳосил қилиш, сайт мундарижасини кўриш ва бош саҳифани кўрсатиш ёки олиб ташлаш каби функцияларни бажариш мумкин.




Вставка (қўйиш) меню буйруғида асосан матнларни киритиш, расмларни қўйиш, график объектларни қўйиш, турли фигураларни чизиш, ҳаракат панелидан фойдаланиш, чизиқ чизиш, жадвалларни яратиш, гипершоратлар қўйиш, закладка қўйиш, ҳаракатланувчи сатр киритиш, flash фильмларини, media файлларни қўйиш, форма қўйиш ҳамда бошқа дастурлаш тилларидаги шаблонлардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Юқори меню буйруқларидан “формат” буйруғини танласак, экранда қуйидаги ички меню буйруқ пайдо бўлади:




Ҳосил бўлган ойна ёрдамида гипершоратлар шаклини, ранглар ва рамка турларини, саҳифа параметрларини, ойна параметрларини ҳамда html шаклдаги дастур матнини кўриш мумкин бўлади.

Кейинги юқори меню буйруғи “Расположение” (жойлашув) деб номланиб, буйруқни танласак, экранда ички буйруқларнинг қуйидаги кўришини ҳосил бўлади:



Бу меню буйруқ ёрдамида саҳифадаги элементларни олдинги, орқа қисмга ўтказиш, ҳамма белгиланган элементларни олдинги ёки орқа қисмга ўтказиш, ўнг, чап, юқори ва қуйи томонларини тенглаштириш, белгиланган элементларни гуруҳлаш ёки гуруҳдан чиқариш каби ишларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Шунингдек, элемент ҳажминини ўзгартиришни ҳам шу меню буйруқлар тўпламидаги “размер” буйруғи ёрдамида амалга оширилади. Кейинги буйруқ “Инструменты” (инструментлар) деб номланиб, уни устида сичқонча тугмасини босилса, экранда қуйидаги кўриниш пайдо бўлади:




Бу буйруқ ёрдамида яратилаётган сайтнинг харитасини кўриш ва уни таҳрирлаш мумкин бўлади.

Энди инструментлар панелидаги буйруқлар ва уларнинг вазифаси билан танишиб чиқайлик:

	Янги саҳифа яратиш
	Мавжуд файлни очиш ва уни сақлаш тугмаси
	Охирги бажарилган амални бекор қилиш ва қайта бажариш амали
	Саҳифага матн қўйиш ҳамда саҳифага расм қўйиш
	Саҳифага меню жойлаштириш (Навигация панели)
	Саҳифага шакл жойлаштириш
	Белгиланган элемент рангини ўзгартириш, гиперишорат қўйиш ва яратилган саҳифани намоиш этиш буйруғи

Web Page Maker дастурининг энг яхши кўрсаткичларидан бири унда навигацион меню яратиш имкониятининг катталиги ҳисобланади. Бундай навигацион менюни саҳифага жойлаштириш учун инструментлар панелидан “панел навигации” буйруғини танланади ва экранда қуйидаги ойна ҳосил бўлади:



Бу ойнадан уч хил типдаги, яъни Capsule Clip, Rectangle ҳамда Rectangle2 шаклидаги меню блокларни яратиш имкониятлари мавжуд.

Яратилган саҳифани Web Page Maker дастурида сақланганда унинг кенгайтмаси *.wss шаклида бўлади. Уни браузер орқали намойиш этиш учун эса, юқори менюдан файл-экспортировать HTML буйруғини танланади. Натижада яратилган сайт html файл шаклига ўтказилади ва сайтни ихтиёрий браузерда фойдаланиш имконияти яратилади.

1.5 Интеллектуал таълим ресурсини яратиш технологияси

Биз юқорида касб-хунар коллежларида ўқитиладиган Дастурлаш асослари фани бўйича Процедура ва функциялар мавзуси бўйича интеллектуал таълим ресурсларини ишлаб чиқиш учун мавзуга доир барча маълумотларни тайёрлаб, бу маълумотлар учун бир нечта қисмларни, яъни Фаннинг ўқув дастури, мақсади, классификацияси, намунавий режаларини шакллантириб олдик.

Эндиги вазифамиз, мана шу маълумотлар асосида электрон услубий таъминот яратиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу вазифани амалга ошириш учун эса, келтириб ўтилган маълумотларни маълум бир структурага солиб олишимиз лозим бўлади.

Бу структурани ишлаб чиқишимиз учун қуйидаги қисмларга асосланамиз. Булар: Фаннинг ўқув дастури, лекциялар курси, топшириқлар, тестлар, видеодарс, глоссарий, адабиётлар, интернет сайтлари каби маълумотлардан иборат бўлиб, бу булимлар ҳам уз навбатида узининг ички структурасига эга бўлади.

Аввал манашу бош структурани тайёрлаб олайлик. Уни схема қуринишида қуйидагича тайёрлаб олинади:



Келтириб ўтилган схеманинг биринчи бўлимидаги “Фаннинг ўқув дастури” бўлими ичида жойлашадиган бир неча булимлар мавжуд бўлиб, улар Фаннинг мақсад вазифалари, Талаба билимига талаблар, Бошқа фанлар билан алоқаси, Намунавий режасидан иборат бўлади. Уларни схематик қуринишида ифодалаб қуйидаги схема қуринишида келтириб утилади:



Бу булимда фанга тегишли бўлган барча маълумотлар ва уларнинг таркиби келтириб ўтилади. Шу маълумотларни дастурий таъминотда алоҳида келтириб ўтишни назарда тутамиз.

Лекциялар курси бўлимида эса, Мавзуга оид назарий маълумотлар, Ўқув модул бирликлари, Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари, дарс сценарийси каби булимлардан ташкил топади. Бу булимларни схематик қуринишида қуйидагича ифодалашимиз мумкин:




Бу келтириб утган схемамиз асосида эса, саҳифани яратиш жараёнини амалга ошириш осон ва қулай амалга оширилиши мумкин бўлади.

Шунингдек, бош саҳифанинг структурасида келтириб ўтилган, “Электрон манбалар” бўлимида ҳам бир нечта ички қисмлари мавжуд бўлиб, уни қуйидагича келтириб ўтамыз:



Энди мана шу келтириб ўтилган схемаларга асосланган ҳолда электрон таълим ресурсини яратишни бошлаймиз. Бунинг учун бош саҳифани яратиш оламиз. Бу саҳифани яратишда соддалик учун экранни ўрта қисмга ажратиш оламиз. Булар: асосий ойна, чап ва ўнг қисмларига гиперсўлатга эга бўлимларни жойлаштирамыз, юқори қисмга эга баннердан ташкил топган қисмни ўрнатиш унда яратилаётган электрон услубий таъминот мавзусини жойлаштирамыз.

1. Баннерни яратиш учун Photoshop дастури имкониятларидан фойдаланамиз ва мавзуга анимацион ҳаракат берамыз, бу қисмининг содда қўлини қуйидагича келтириб ўтишимиз мумкин бўлади:



Экраннинг ўнг томонига гипершоратга эга бўлган бир нечта булимларни жойлаштирамиз. Бу булимнинг кўринишини куйидагича ташкил қилиб оламиз:



саҳифанинг асосини эса, ҳар бир булим учун алоҳида намоиш қилинадиган ойна сифатида қабул қиламиз. Лекин, бу саҳифанинг умумий ҳолда бош саҳифа сифатида куйидагича ташкил қилиб оламиз:

Схемада келтириб ўтилган барча булимлар учун ҳам алоҳида саҳифаларни ташкил қиламиз ва уларни асосий ойнада чиқишини таъминлаймиз.

Қолаверса, вижеодарс ишланмаларидан намуналарни келтириб ўтишни ҳам назарда тутишимиз лозим бўлади.

1.6 Яратилган таълим ресурсидан фойдаланиш йўриқномаси

Дастурлаш асослари фани бўйича Процедура ва функциялар мавзуси бўйича интеллектуал таълим ресурсларини ишлаб чиқиш мавзусида яратилган дастурий воситадан фойдаланиш йўриқномасини ишлаб чиқайлик:

Яратилган электрон таълим ресурсини ишга туширишдан уни ташкил этувчи файллари билан танишиб чиқайлик:

index.html – электрон таълим ресурсини ишга туширувчи бош файл, дастур шу файл орқали ишга туширилади.

Куйидаги келтириб ўтилган JavaScript тили асосида ташкил этилган менюлар ва уларни ташкил этувчи файллари рўйхатини келтириб ўтайлик:

jquery-1.7.2.min.js

jquery.effects.blind.min.js

jquery.effects.bounce.min.js

jquery.effects.clip.min.js

jquery.effects.core.min.js

jquery.effects.core.min.js

jquery.effects.slide.min.js

jquery.effects.scale.min.js

jquery.effects.fold.min.js

searchindex.js

wb.slideshow.min.js

бу файллар дастурни дизайнини ташкил этишда фойдаланилади.

Images – бу папкага электрон воситада ишлатиладиган барча расмлар ва анимацион намоишларининг файлларини жойлаштирилади.

Дастурни ишга тушириб экранда 1-расмда келтириб ўтилган саҳифа кўринишини ҳосил қиламиз. Бу саҳифа дастурни асосий ишчи ойнаси ҳисобланади. Бу ойна орқали қолган саҳифаларни ҳам очиш ва фойдаланиш имкониятлари мавжуд бўлиб, куйидаги расмларда келтириб ўтилган кўринишлар саҳифанинг қолган ойна кўринишларини ифодалайди. Дастурдан чиқиш учун эса, экраннинг юқори ўнг бурчагидаги “х” белгисини босишимиз етарли бўлади.

1.7 Ўқув жараёнида таълим ресурсидан фойдаланиш самарадорлиги

II. Методик қисм

2.1 Ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш (педагогик технология) нинг ўзига хос хусусиятлари

Жахон педагогикаси фани узоқ вақт давомида илмий-техник тараққиёт таъсирида - психология, кибернетика ва бошқарув назариялари ҳамда бошқа фанлар эришган ютуқларни умумлаштирган ҳолда, инсон ресурсларини самарали ривожлантириш ва фаол инновацион жараёнларни бошидан кечириш даврида бўлиб келди. Бу - фан, педагогик илмий назариялар ва бой амалий тажрибаларни ўзида мужассамлантирган ҳолда, ўтган асрнинг ярмигача бўлган даврда бирорта буюк педагог, бошқалар ҳам улардек юқори натижаларга эришадиган, яъни такрорланувчан педагогик циклни ярата олмадилар. Бизнингча, бунинг сабаби, яратилган илғор услублар, уларнинг муаллифлари шахсига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам, уларнинг издошлари муаллифлардек юқори даражадаги машғулотлар ўтказишга муваффақ бўлмаганлар. Чунки, психология фани тасдиқлаганидек, ҳар бир шахс такрорланмасдир. Шунга қарамадан, собиқ иттифок педагогик амалиётида илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кўп уринишлар бўлиб ўтди. Мавжуд ўқув жараёнини такрорланувчан хусусиятга эга эмаслиги, ўз даврида А.С.Макаренко томонидан танқид қилинганлигини биз юқорида келтирган эдик.

Ишлаб чиқаришда натижаси кафолатланган, лекин ижрочилар шахсига боғлиқ бўлмаган жуда кўп технологик жараёнлар яратилган. Саноатдаги буюмнинг ишчи чизмаси ва йиғиладиган бирикмалар чизмаси технологик жараённинг асосини ташкил қилади. Уларнинг талабларини аниқ бажариш натижасида буюмларни ўзаро алмашувчанлигини, технологик жараён операциялари эса такрорланувчанлиги, яъни такрорланувчан технологик циклни ташкил қилиши таъминланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда, Жанубий Корея ва Туркиядагидек, улардаги билан бир хил сифат кўрсаткичларига эга бўлган енгил автомобиллар ва кичик автобуслар ишлаб чиқарилмоқда.

Такрорланувчан педагогик жараённи яратиш, ишлаб чиқаришдагига нисбатан анчагина мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Ўқув (ўқув-тарбиявий) масалаларни турли туманлиги, таълим мазмуни ва ўқув материалининг турлича эканлиги, билимларнинг ўзлаштирилишини талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги ва бошқа омиллар бунга тўсқинлик қилади. Ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида яратилган барча услуб, шакл ва моделлар фақат ўз эгаси қўлидагина юқори самара беради. Шундай бўлса ҳам, ўқув жараёнига ягона, самарали ёндашишни яратиш бўйича изланишлар олиб борилганлиги натижасида АҚШнинг буюк педагоглари Б.Блум, Д.Кратвол, Н.Гронлунд, Ж.Кэррол, Ж.Блок, Л.Андерсен ва бошқаларнинг изланишлари натижасида такрорланувчан ҳамда якуний натижани кафолатлайдиган педагогик технология яратилди.

Унинг моҳияти ўқув мақсадининг аниқлиги ва унга эришиш учун талабанинг қатъий белгиланган кетма-кетлик бўйича, ҳар бир ўқув бўлагини (модулини) ўзлаштириб, мустақил фаолият кўрсатишидан иборат бўлади. Илмий тадқиқот натижаларини кўрсатишича, фақат узлуксиз маъруза ўқилганда, талабалар материални атига 5 фоизини ўзлаштирадилар, бир-бирини ўқитиш ва мустақил ўрганишда эса бу кўрсаткич 90 фоизни ташкил қилар экан (Халқ таълими. 1999. №4 - 9 бет.).

Шундай қилиб, педагогик технологиясининг предмети ўқув жараёни ва профессионал тайёргарлик тизимини лойиҳалашдан иборат. Тизимли ёндашиш ўқитиш тизимининг барча асосий томонларини - мақсадни аниқлаш ва ўқув жараёнини лойиҳалашдан тортиб, то янги ўқитиш тизимининг самарадорлигини текшириш, уни синовдан ўтказиш ва оммалаштиришгача бўлган жараённи ўз ичига олади. У ўз ҳаракат тартибларини такрорланувчанлиги ва уларни тўла ўқув жараёнига тадбиқ этиш ғояси, оқибат натижада, бу жараённи «жонли ўқитувчига» боғлиқ бўлмай қолишига олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, агар ўқув жараёни тўла такрорланувчан, алоҳида кўриниш (эпизод)ларга бўлинса, ўқитувчининг вазифаси олдиндан тузилган (ўзи тузган бўлиши шарт эмас) материал билан ўқишни ташкил этишда ташкилотчи ва маслаҳатчи ролини ижро этишдан иборат бўлиб қолади.

Ўқитишга технологик ёндашиш мантиғида икки хил ғоя ётади: 1) ўқув жараёнини тўла-тўқис ўргатувчи машиналарга ўтказиб, унда асосий рол ўйнайдиган ўқитувчини тўла озод қилиш ёки, 2) унинг фаолиятини ташкил этиш ва маслаҳат бериш функциялари билан чегаралаш. Бу ҳолда ўқитувчи жуда юқори малакага эга бўлиши ҳам шарт эмас. Ўқитувчини «идеал ЭХМ» билан бутунлай алмаштириш ғоясини педагогик технология тарафдорлари турлича қабул қилганлари ҳолда, иккинчи ғоя кўпчилик томонидан маъқулланди ва унга амал қилинмоқда. Шунинг учун ҳам, ўқитиш мазмуни ва жараёни бўйича мутахассислар гуруҳи томонидан ишончли бўлган ўқитиш тизимларини режалаш, яратиш ва уларни қўллашга тайёрланган шароитда, ҳатто «ўртача» ўқитувчи ҳам юқори натижаларга эришиши мумкин. Бу ерда ўқитувчи намунавий (фирменный) дидактик лойиҳани амалга оширувчи ижрочи сифатида қаралиб, унинг шахси ва малакаси муҳим рол ўйнамайди.

2.2 Педагогик технологиялар таҳлили

Сўнгги йилларда Республикамизнинг таниқли педагог-олимлари ва тажрибали амалиётчи ўқитувчилар томонидан ўқув жараёнига педагогик технологияни жорий этиш бўйича самарали изланишлар олиб борилаётганлиги бизга маълум.

В.П.Беспалко таъкидлаганидек: - Педагогик технология - бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда, педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган, талаба шахсини шакллантириш жараёнини ифодалаш - лойиҳалашдир [11].

Кластер «ахборотни ёйиш» усули. «Кластер» сўзи ғунча, боғлам маъносини англатади. Кластерларга ажратиш интерфаол педагогик стратегия бўлиб, у кўп вариантли фикрлашни, ўрганилаётган тушунча (ҳодиса, воқеа) лар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради, бирор мавзу бўйича талабаларни эркин ва очикдан-очик фикрлашига ёрдам беради. Кластерларга ажратишни даъват, англаш ва мулоҳаза қилиш босқичларидаги фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. Асосан, у янги фикрларни уйғотиш ва муайян мавзу бўйича янгича фикр юритишга чорлайди.

Венн диаграммаси. Бу усул тушунчаларнинг икки ёки ундан ортиқ тушунчаларни ўзига хос ва умумий жihatларин таҳлил қилиш ва умумлаштиришда қўлланилади. Бунда ўнг ва чап айланаларга тушунчаларнинг ўзига хос жihatлари, доираларнинг кесишган соҳасига эса, улар учун умумий бўлган жihatлар ёзилади. Масалан, «назарий машғулот» ва «амалий машғулот» тушунчалари учун Венн диаграммаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Бу Венн диаграммасини жадвал кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин:

Назарий машғулотга хос жиҳатлар	Иккаласи учун умумий бўлган жиҳатлар	Амалий машғулотга хос жиҳатлар
1. Назарий (когнитив) билимлар берилади. 2. Асосан ўқитувчи олиб боради. 3. Фан учун жиҳозланган хонада ўтказилади.	1. Аниқ мақсадга йўналтирилган. 2. Вақти чегараланган. 3. Дарс жадвали асосида ўтилади.	1. Психомотор (характерга оид) кўникма ва малакалар шакллантирилади. 2. Назарий машғулот- дан кейин ўтилади. 3. Тренажёрлардан фойдаланилади.

Кубик усули. Бу усул кўрилатган масалани турли томондан, кадамба-кадам, осондан қийинга томон йўналишда тасаввур этиш имкониятини беради. Кубикнинг ҳар бир томони муаян топшириқни ифодалайди:

- Бу нима? Кўраётган нарсани ранги, ўлчамлари, шаклини тасаввур этинг, эсланг ва ёзма равишда таърифланг?

- Таққосланг: У нимага ўхшайди, нимадан фарқ қилади?
- Ассоциация. Таъсуротингизни изоҳланг? У сизни нима тўғрисида ўйлашга мажбур қилди? Ҳаёлингизга нима келди?

- Таҳлил қилинг. Бу нимадан ва қандай ясалган? Нималардан ташкил топган? Нимага ўхшайди ёки нимадан фарқ қилади?

- Қўлланг: Бу нимага ярайди? Уни қаерда қўллаш мумкин?

- «Ҳа» ва «Йўқ» ларни асосланг. Бунда ишончли далиллар ва асословчи фикрларни айтинг.

«Кубик» усулини қўллаш босқичлари.

- Мавзу (тушунча) эълон қилинади.

- Тингловчилар (талабалар) якка тартибда ишлайдилар. Кубик хир бир томони учун топшириқ берилиб, 40-60 секунд вақт ажратилади.

- Якка тартибда ишлаш тугагандан сўнг гуруҳларда муҳокама қилинади.

- «Кубик» ни ҳар бир микрогуруҳдан бир вакил(сардор) тақдимот қилади.

Микрогуруҳларда ишлаш. Унинг моҳияти шундаки, гуруҳ талабалари 4-8 кишидан иборат микрогуруҳга бўлинади. Микрогуруҳ дарсинг ташкилий қисмида рақамли ёки харфли карточкалар ёрдамида шакллантирилади ва алоҳида иш ўринларига ўтирадилар. Барча микрогуруҳга бир хил ёки ҳар бирига алоҳида топшириқ берилади. Микро гуруҳ аъзолари ўзаро фикр алмашиб, топшириқни мустақил ечишлари зарур. Ўқитувчи микрогуруҳни оралаб, уларга (ҳар бир талабага ҳам) топшириқни бажариш учун йўлланма ва маслаҳатлар бериб боради. Микрогуруҳ таркиби ва сардорлари ҳар бир топшириқ ҳал қилингандан сўнг ёки навбатдаги машғулотда алмаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Микрогуруҳларда ишлаш стратегиясининг аҳамияти шундаки, унда топшириқни бажаришда барча талабалар иштирок этади ва уларнинг ҳар бири сардор бўлиш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи эса, ҳар бир талаба билан якка тартибда ишлаш учун кўпроқ имкониятга эга бўлади.

